

*Зайнутдинова Умида Джалаловна -
Тошкент молия институти доценти, и.ф.н.
Остонов Мухриддин Бахриддин ўғли -
Тошкент молия институти магистранти*

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг амалдаги ҳолати баҳоланган. Бу борада мавжуд камчилик-ларнинг жорий ҳолати тавсифланган. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари шакллантиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, рақобатбардошлик, технологик тараққиёт, иқтисодий салоҳият, очиқ иқтисодиёт, экспорт рақобатбардошлиги, жаҳон бозори, ташқи савдо операциялари.

*Зайнутдинова Умида Джалаловна -
Доцент Ташкентского финансового института, и.ф.н.
Остонов Мухриддин Бахриддин ўгли -
Магистр Ташкентского финансового института*

ПРИОРИТЕТЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. В статье исследуются процессы, связанные с организационно-экономической базой повышения эффективности внешнеэкономической деятельности. Оценено текущее состояние повышения эффективности внешнеэкономической деятельности. Описано текущее состояние имеющихся недостатков в этом отношении. Сформулированы научные предложения и практические рекомендации по формированию приоритетов повышения эффективности внешнеэкономической деятельности Узбекистана.

Ключевые слова: внешнеэкономическая деятельность, конкурентоспособность, технологическое развитие, экономический потенциал, открытая экономика, конкурентоспособность экспорта, мировой рынок, внешнеторговые операции.

*Zaynutdinova Umida Djalalovna -
Associate Professor of Tashkentskogo Finansovogo Institute,
Ostonov Muhriddin Bahriddin ugli -
Master of Tashkent Financial Institute*

PRIORITIES FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITIES

Annotation: The article examines the processes associated with the organizational and economic basis for improving the efficiency of foreign economic activity. The current state of improving the efficiency of foreign economic activity has been assessed. The current state of the existing shortcomings in this regard is described. Scientific proposals and practical recommendations on the formation of priorities for improving the efficiency of foreign economic activity of Uzbekistan have been formed.

Key words: foreign economic activity, competitiveness, technological development, economic potential, open economy, export competitiveness, world market, foreign trade operations.

Кириш. Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий фаолият хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун жозибали бўлиб боради. Ушбу субъектлар ўз имкониятларини ишга солиш орқали рақобатбардошликни таъминлашда тижоратдан олинadиган манфаат ҳамда максимал даражада юқори даромадга эришишни мақсад қиладилар. Миллий манфаатларга жавоб берадиган ва ривожланишнинг устуворликлари ҳисобланган ташқи иқти-

содий операциялар ёрдамида ҳал этиладиган умумдавлат вазибалари бозор иқтисодиёти шароитида бу фаолият турига давлат яққоқоқимлиги, ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг устувор мулкчилик шаклига асосланганда, ёки давлат томонидан тартибга солиб турилиши мавжуд бўлганда ўринли ҳисобланади. Шу сабабли ҳам давлат бир томондан, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий омилларни қўллаш учун ички қулай асосий шароитларини шакл-

лантиради, бошқа томондан эса давлат миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги самарасини оширишга йўналтирилган тартибга солиш воқитларидан фойдаланиш жараёнларини олиб боради. Бундай вазиятда ташқи иқтисодий фаолиятнинг турли кўринишлари динамик омиллар вазифасини бажаради. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: “Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим. “GSP+” тизими доирасидаги имтиёزلарни мамлакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш керак. Ўзбекистон яқинда Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олди. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёрларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур”[1].

Юқоридаги ҳолатлар мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш орқали мамлакатнинг ташқи савдо-сотиқ жараёнлари ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни, айниқса, жаҳон иқтисодиёти амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари шакллантиришга доир тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантиқий абстракция, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, статистик таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган. Тадқиқотнинг устувор илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган йўналишлари диалектик метод асосида шакллантирилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини шакллантириш доирасидаги тадқиқот изланишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мазкур тадқиқот изланишлари жаҳон иқтисодиётида кўп омилли параметрга эга бўлган тадқиқ йўналиши сифатида ўрганилган. Бу борада Пам Заҳонго тадқиқотлари муҳим характер касб этади. Тадқиқот жараёнида очиқ иқтисодиётни шакллантириш жараёни ва бу билан боғлиқ муммоли жараёнларнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилади. Очиқ иқтисодиётни

мамлакат иқтисодий ўсишига таъсири эмпирик далиллар орқали ўрганилиб, ташқи савдонинг очиқлиги муқобил спецификациялардаги моделлар асосида таҳлил қилинади[2].

Н.Ф. Гофман, Г.А. Маховикова тадқиқотларида корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ва механизмлари, ташқи савдо операциялари технологияси ва шартнома муносабатларини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари ўрганилади[3]. М.Познер тадқиқотларининг асосини ташқи иқтисодий фаолиятнинг технологик жараёнларга алоқадорлиги ташкил этади. Унинг фикрича, мамлакатда технологик тараққиёт асосини ташқи савдо муносабатлари асосида шаклланади[4].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан З.Хуррамова, С.Тошалиева, Ж.Туропов тадқиқотларида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ташқи иқтисодий фаолияти иқтисодий ислохотларнинг асоси, жумладан иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларининг муҳим характер касб этадиган асосий мезони сифатида талқин этилади[5]. Ш.Д. Эргашходжаева ўзининг илмий тадқиқот изланишлари орқали ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш халқаро рақобатнинг устувор йўналишларини шакллантиришнинг муҳим асоси эканлигини таъкидлайди[6]. И.И. Жалолов, С.Б. Каримовлар ўзларининг илмий тадқиқот изланишлари орқали рақобат шароитида корхоналар ташқи бозорларга кириб бориш жараёнини ўрганишлари ва бу жараённи корхона иқтисодий салоҳиятининг асосий омили сифатида эътироф этадилар[7]. Б.О. Турсунов ўзининг тадқиқотларида экспорт рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий таълимотларнинг ўрнини назарий жиҳатдан асослайди ва рақобатбардошликни таъминлашнинг ўзгарувчан параметрларга эга эканлигини қайд этади[8].

Юқоридаги тадқиқотларда мамлакат ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини шакллантириш жараёнлари маълум бир механизмнинг устуворлиги таъсирида тадқиқ этилган бўлиб, очиқ иқтисодиёт шароитида ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилмаган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигидаги мавқеини мустаҳкамлаш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини янада кўтариш, саноатнинг техник таркибини замонавийлаштириш

муаммолари давлатнинг бошқа ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ва экспорт ҳажмида жаҳон бозорига йўналтирилган структуравий сиёсатни амалга оширишни талаб этади. Мамлакат доирасида бу каби қатор чоратadbирлар ташқи бозорларда талабга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматлар яратувчи соҳаларни ривожлантиришга асос яратади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”дан иборат бўлиб, бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа сифатида белгиланган.

Мазкур белгиланган вазифаларнинг амалий ижроси 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятида ўз

аксини топади. Таҳлил натижаларига мувофиқ 2016-2017 йилларда мамлакат ташқи савдо айланмаси 9,6 фоизга ортган бўлиб, экспортнинг қўшимча ўсиш суръати 3,8 фоизга тенг бўлган. Ушбу даврда импортнинг ҳажми 15,4 фоизга ўсиш кўрсаткичини қайд этган. 2017-2018 йилларда эса ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми қарийб 26 фоизга ортган. Экспортнинг умумий ҳажми ташқи савдо айланмасининг 47 фоиздар ортиқ қисмини ташкил этган.

2018-2019 йилларда ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми 41751,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, қўшимча ўсиш ҳажми 8321,1 млн. АҚШ долларни, яъни фоиз ҳисобида 25 фоиз ўсиш суръатига эга бўлган.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми 2019 йилга нисбатан қарий 13 фоизга пасайган. Ушбу пасайиш кўрсаткичи пандемия шароитида «анъанавий» экспорт соҳасига (авваламбор, хом-ашё сектори ва қайта ишловчи саноат), шунингдек, «янги» хизмат кўрсатиш экспорт соҳасига талабнинг пасайиши туфайли содир бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

**2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси
(млн. доллар)**

	2016	2017	2018	2019	2020
Ташқи савдо айланмаси	24232,2	26566,1	33429,9	41751,0	36299,3
экспорт	12094,6	12553,7	13990,7	17458,7	15127,7
импорт	12137,6	14012,4	19439,2	24292,3	21171,5
савдо баланси салдоси	-43,0	-1458,7	-5448,5	-6833,6	-6043,8

Манба: Муаллиф ишланмаси

Истиқболда, бу вазифа қўшилган қиймат соҳасида қайта ишлаш даражасини чуқурлаштириш ҳисобига хом ашёдан ярим фабрикатга ва ундан кейин анча мураккаб тайёр буюмга ўтиш жараёни билан ҳал этилиши мумкин. Ташқи савдо ҳажмига нисбатан экспортёрлар томонидан бошқариладиган молиявий тушумларнинг қайта мўлжалланиши ички, биринчи навбатда, мамлакат инвестицион машинасозлик маҳсулотларига талабнинг ўсиши учун шароит яратмоқда. Бу ўз навбатида талабнинг ўсиши ва шунга мос равишда қувватларнинг юкланиш даражасининг ўсишини машинасозлик саноат корхоналарининг катта қисмини иқтисодий ахволини яхшиланишига имкон яратиши ва мамлакат, хорижий инвесторлар учун уларнинг инвестицион жозибдорлигини оширишга имкон яратиши мумкин.

Ўз навбатида иқтисодийнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарининг барқарор ривожланиши республикада зарур ресурслар

базасини шакллантирилинганлиги билан изоҳланса, экспорт салоҳиятининг мавжуд ривожланиш жараёнлари ташқи савдо ҳажмининг географик ўзгариш суръатлари орқали юзага келади. Хусусан, мамлакатимизда экспорт таркибида сезиларли ўзгаришларга импорт товарларнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш натижаси сифатида баҳоланса, хорижий мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга ошириладиганини кўриш мумкин. Аммо, бу борада масаланинг энг муҳим хусусиятлари шундаки, 2016-2020 йилларда ташқи савдо айланмасининг қайриб 18-20 фоизи МДҲ мамлакатларида сақланиб қолган бўлиб, 2017-2020 йил ушбу мамлакатлар билан амалга оширилган ташқи савдо натижаларига мувофиқ, экспорт ҳажмининг пасайиш

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

тенденцияларини маълум фоизи сақланиб қолган (2-жадвал).

Бу каби қатор ҳолатлар ўз навбатида экспортёрлар даромадлари капиталининг четга чиқиш кетиши ва инвестицияларга қайта мўл-

жалланиш оқибатида вертикал ва горизонтал интеграция жараёнларининг тезлашишига, экспортёрларнинг бошқа аралаш соҳалар мулкида молиявий иштирокларининг кенгайишига олиб келиши мумкин.

2-жадвал

2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг географик таркиби

	2016	2017	2018	2019	2020
МДҲ мамлакатлари билан	8388,1	9084,6	12144,4	14461,8	11830,0
экспорт	4338,3	4080,1	5003,1	6234,0	4098,3
импорт	4049,8	5004,5	7141,3	8227,8	7731,7
савдо баланси салдоси	288,5	-924,4	-2138,2	-1993,8	-3633,4
бошқа мамлакатлар билан	15844,1	17481,5	21285,5	27289,2	24469,3
экспорт	7756,3	8473,6	8987,6	11224,7	11029,4
импорт	8087,8	9007,9	12297,9	16064,5	13439,9
савдо баланси салдоси	-331,5	-534,3	-3310,3	-4839,9	-2410,4

Манба: Муаллиф ишланмаси

Истиқболда мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мумкин аҳамият касб этади. Хизматлар соҳасида қўшилган қийматнинг юқори ҳиссага эга бўлиши, унинг ривожланиши учун қўйилган вазибаларнинг автоматик равишда очилишини таъминлайди. Ушбу вариант доирасида, бизга аён бўлишича давлатнинг тартибга солиш чоралари орқали капиталнинг чиқиш кетишини қисқартириши ва қисман экспортёрларни фойдалари ва амортизацияларини ўз корхоналарини техник қайта қуролантиришга қўйишга қайта мўлжал олишларига, жумладан мамлакат машинасозлик маҳсулотлари базасида, шунингдек, иқтисодиётнинг аралаш соҳаларига қўйишга эришиши мумкин.

Фикримизча, бу орқали ўзида турли соҳа корхоналарини бирлаштирувчи ва кенг қўламли ва узок муддатли ташқи буюртмаларга мўлжал олган йирик саноат гуруҳларининг шаклланиши юз беради. Бу йирик бирлашмалар молиялаштириш манбалари нуқтаи назаридан ўзига етарли бўлиши, чет эл капиталини жалб этишни мустақил хал этишга, янги бозорларга чиқишга қодир ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилмайди.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш жараёнида ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш устувор аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбати 40 фоиздан ортиқ эканлиги иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига юқори даражада жипслашиб бораётганлигини англатади. Шу билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолиятда давлат бюджетининг даромадлар қисмини юқори улуши

ҳам шаклланимоқда. Бунда божхона тўловларининг ҳиссасини ошиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари инновацион ўсишни рағбатлантириш ва бунинг учун инфратузилмани қувватловчи инновацияларни яратиш (экотизимлар), инновация имкониятларини яратиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда уларни хусусий молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳукумат ролини рационализация қилиш ва бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш, давлат-хусусий соҳа шерикчилигида хусусий соҳа улушини ошириш (PublicPrivate Partnerships, PPPs) ва шунга мос қувватловчи ҳукумат жамғармасини яратиш, хусусий соҳа ва давлат корпорациялари ўртасида тенгликка эришиш ҳам рақобатбардошликни ошириш йўналишлари сифатида қаралди.

Фикримизча, мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини шакллантириш жараёнида қуйидагиларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ:

- республика иқтисодиётига бевосита хорижий капитал маблағларни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- республикаимизда жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигини замонавий таркибини вужудга келтиришга қўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

- маблағларни республикада маҳсулот мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ

бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда бошқарувнинг замонавий илғор усуллари жорий этиш, бошқарув кадрлари, маҳаллий ишчи ва ходимлар билими, маҳоратларини ўстириш;

- ички бозорларда товар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялар учун қулай бозор муҳитини босқичма-босқич такомиллаштириш;

- иқтисодиётнинг йирик тармоқ ва соҳалари доирасида хорижлик инвесторларнинг қизиқишлари ва манфаатларини оширишни таъминлашга йўналтирилган хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва бошқалар.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Pam Zahonogo. Trade and economic growth in developing countries: Evidence from sub-Saharan Africa. *Journal of African Trade* 3 (2016) 41–56. <http://dx.doi.org/10.1016/j.joat.2017.02.001>
3. Гофман Н.Ф., Маховикова Г.А. Учебный пособие. Основы внешнеэкономической деятельности. СПб.: Питер, 2001. 365 с
4. Познер М. Международная торговля и изменение технологии // Вехи экономической мысли. Международная экономика. -М.: ТЕИС, 2006. С.436.
5. Хуррамова З, Тошалиева С, Туропов Ж. Жаҳон иқтисодиёти ва хаққаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Қарши «Насаф» нашриёти 2007., 164 бет
6. Эргашходжаева Ш.Д. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2013.-328 б.
7. Жалолов И.И., Каримов С.Б. Рақобат шароитида корхоналар иқтисодий салоҳиятини баҳоловчи омилларнинг статистик тадқиқоти. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 1-сон
8. Турсунов Б.О. Экспорт рақобатбардошлиги: назария ва амалиёт. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил. <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/27>
9. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.